



Умиджон ЁДГОРОВ,

Тошкент Даълат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчisi

E-mail: yodgorov@navoiy-univ.uz

Ф.-м.ф.н., доцент К.С.Сагидуллаев тақризи асосида

ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ИШОНЧЛИЛІГІНІ СТАТИСТИК УСУЛЛАР ЁРДАМИДА БАХОЛАШ

Аннотация

Мақолада хисоблаш усуллари ва статистик моделлештиришдан фойдаланиш орқали аналитик усуллар билан амалга ошириб бўймайдиган ҳолатларда тахминий счимларни юкори аниқлиқда топиш, симуляция асосида нафқат асимптотик хulosалар чиқариш, балки танланма ҳажми ошиши билан қонуниятни ўзгаришларини кузатиш, аниқ бир тажриба учун мос келадиган статистиканинг тақсимот моделини қуришда замонавий дастурний таъминотларни имкониятлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Статистик тақсимот, модел, сонли усуллар, дастурний таъминот.

ОЦЕНКА ДОСТОВЕРНОСТИ РЕЗУЛЬТАТОВ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ СТАТИСТИЧЕСКИМИ МЕТОДАМИ

Аннотация

В статье исследованы возможности современных программных обеспечений для построения модели распределения статистики, подходящей для конкретного эксперимента. Данная программа дает возможность с высокой точностью находить приближенные решения в ситуациях, которые не могут быть реализованы аналитическими методами, с использованием вычислительных методов и статистического моделирования, делать не только асимптотические выводы на основе моделирования, но и наблюдать за изменением закона по мере изменения размера выборки увеличивается.

Ключевые слова: Статистическое распределение, модель, численные методы, программное обеспечение.

ASSESSMENT OF RELIABILITY OF THE RESULTS OF SOCIO-ECONOMIC RESEARCH BY STATISTICAL METHODS

Abstract

The article explores the possibilities of modern software for building a model of the distribution of statistics suitable for a particular experiment. This program makes it possible to find approximate solutions with high accuracy in situations that cannot be implemented by analytical methods, using computational methods and statistical modeling, to draw not only asymptotic conclusions based on modeling, but also to observe the change in the law as the sample size increases.

Key words: Statistical distribution, model, numerical methods, software.

Кириш. Берилганларни статистик таҳлил килиш усуллари, амалий математик статистика усуллари стохастик тажрибалар натижалари, хусусан, табиий илмлар, мухандислик соҳаси, биология, тибиёт, иқтисодиёт, суғурта иши, демография ва ижтимоий соҳалардаги тажриба натижаларини таҳлил килишда кенг кўлланилади. Фойдаланиладиган статистик тизимлар тадқиқот қонуниятини тадқиқ килиш учун восита хисобланмайди. Шунинг учун аналитик усуллар ёрдамида тадқиқот қонуниятини аниқлаш имконияти мавжуд бўймаган ҳолларда сонли усуллар ёрдамида яхши натижаларга эришиш мумкин. Аммо бу сонли усуллар орқали тадқиқот қонуниятини аниқлаш деярли барча дастурний тизимларга киритилмаган. Мазкур соҳа мутахассислари ўз фаолиятида статистик маълумотларни таҳлил килиш ёки кузатилмалар тақсимотини етарли даражада тавсифловчи тақсимот қонуни моделини танлашда муаммоларга дуч келадилар. Бундан ташқари ўтказилган тажриба натижаларини статистик таҳлил килишда ҳатолик энг кам бўлиши учун айнан қайси статистик критерийлардан фойдаланилиши кераклиги ижтимоий соҳа вакиллари учун муаммо хисобланади.

Сўнгги йилларда жуда кўп статистик усуллар ва критерийлар таклиф этилганки хатточи математик статистика бўйича мутахассис ҳам тўғри йўналиш танлашда қўйналади. Айнан битта гипотезани текшириш

учун бир нечта критерийлар мавжуд. Табиий савол туғилади: қайси критерий энг афзal? Қайси критерий фиксирулган 1-тур ҳатоликда 2-тур ҳатоликни минимал бўлишини кафолатлайди? Берилган кузатилмалар ҳажмида ракобатдош гипотезаларни фарқлаш мумкинми? Берилган кузатилмалар ҳажмида берилган критерийнинг асимптотик натижаларидан фойдаланиш мумкинми? Мазкур саволларга компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот ўтказиб жавоб бериш мумкин. Фақатгина компьютер симуляциясидан фойдаланилганида статистик критерийларнинг камчилклари, уларни аниқ кўлланилиши соҳасини чегараланганд эканлиги намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуси доирасида сўнгти йилларда профессор Б.Ю. Лемешко ва унинг шогирдлари [1] илмий-тадқиқот ишларини олиб боргандар ҳамда берилганларни статистик таҳлил килиш, моделлештириш ва эҳтимоллик қонуниятларни тадқиқ килиш бўйича илмий мактаб шаклланган. Мазкур илмий мактабнинг асосий тадқиқотлари математик статистиканинг фундаментал натижаларини амалиётнинг турли масалаларига кўллашдан иборатdir. Амалий статистика усулларнинг ўзига хос томонлари, кўллашда инобатга олиниши керак бўлган омиллар ҳамда тўғри статистик хulosалар чиқариш бўйича профессор А.И. Орловнинг кўплаб тадқиқотлари мавжуд. Улардан [2-3]

адабиётлар мухим ўрин тутади. Таклиф бериладиган технологиялардан фарқли таклиф этилаётган энг оптималь статистик критерийни танлаш, мазкур статистик критерийдан фодаланилганда 1-ва 2-тур хатоликларни минималлигини таъминланиши, симуляция асосида нафақат асимптотик хulosалар чиқариш, балки танланма хажми ошиши билан қонуниятни ўзгаришларни кузатиш вазифаларига алоҳидан ёзтибор қаратилган. Бундан ташқари республикамизда олиб борилаётган стохастик тажриба натижалари қонуниятлари аникланади, яъни бошқа давлатлар маълумотларининг қонуниятларидан фарқланади.

Тадқиқот методологияси. Асосий мақсад хисоблаш усуллари ва статистик моделлаштиришдан фойдаланиш, компьютер технологиялари инструмент сифатида каралиб, математик статистика қонуниятларини ўрганишдан иборатдир.

Ишлаб чиқилаётган технологиялар аналитик усулларни сезиларли даражада тўйлдиради, аналитик усуллар билан амалга ошириб бўлмайдиган ҳолларда тахминий (такрибы) ечимларни топишга ёрдам беради. Симуляция асосида нафақат асимптотик хulosалар чиқариш, балки танланма хажми ошиши билан қонуниятни ўзгаришларни кузатиш, маълум бир вазиятда ўрганилаётган ихтиёрий статистиканинг тақсимот моделини куриш ва моделлаштириш мумкин. Бунинг учун куйидаги вазифалар куйилди:

Компьютер маълумотларини таҳлил килиш, бир ўлчовли ва кўп ўлчовли узлуксиз тасодифий ўзгарувчилар кузатувларини статистик таҳлил килиш усуллари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

Математик ва амалий статистика масалаларida юзага келадиган статистик қонуниятларни компьютер таҳлил килиш усулларини кўллаш;

Гурухланган, қисман гурухланган (шу билан бирга цензурланган ва гурухланмаган) ва интервалли кузатилмаларнинг тақсимот параметрларини баҳолаш ва статистик (оддий ва мураккаб) гипотезаларни текшириш;

Илгор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ҳамда макроиқтисодий хисоб-китобларда замонавий математик ва дастурий-техник аппаратдан кенг фойдаланиш асосида тўғри хулоса чиқариш усуллар ва ёндошувларни тақомиллаштириш.

Статистик маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, топшириш ва тарқатишининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, статистика маълумотлар билан ишлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини чукурлаштириш, статистика маълумотлари банкини шакллантириш;

1-ва 2-тур хатоликларни минималлигини таъминлаш;

Аниқ бир тажриба учун мос келадиган статистиканинг тақсимот моделини куриш.

Амалий дастурлар мажмунини яратишнинг асосий мақсади стохастик тажрибалар натижалари, хусусан, табиий илмлар, мухандислик соҳаси, биология, тибиёт, иқтисодиёт, сугурта иши, демография ва ижтимоий соҳалардаги тажрибалардан олинган кўп ўлчовлик сонли маълумотларни статистик таҳлил қилиш ва уларга математик статистика усулларини самарадор кўллашда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланишдан иборатдир. Маълумки, статистик таҳлил қилувчи, турли ривожланган мамалакатлар томонидан яратилган STATISTICA, SPSS, STATA каби дастурлар мавжуд бўлиб, уларнинг яхши томонлари ва камчиликлари мавжуд.

Яратилиши мўлжалланган дастурий таъминотнинг афзал томони, ушбу дастурнинг интерфейси ижтимоий-иқтисодий соҳа тадқиқотчилари учун кулай интерфейсда

ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилида бўлиши билан бирга бир неча статистик критерийдан энг афзалини танлашга мўлжалланган-лигидир. Бу эса фойдаланувчига маълум кулайликларни яратади. Бундан ташқари таклиф этилаётган дастурлар мажмуида юкорида таъкидланган статистик дастурлар мажмуида мавжуд бўлмаган, бажарилган тахлилнинг статистик қийматдорлиги ва статистик ишончлилиги тўғрисидаги гипотезаларни текшириш, ҳамда мос хulosалар беришини ҳам назарда тутилган.

Экспериментал кузатув натижаларини таҳлил килишининг асосий мақсади кузатилаётган тасодифий миқдор тақсимотини энг яхши тавсифловчи тақсимот қонунини аниклашдан иборатдир. Кузатилган намунанинг назарий қонунга қанчалик мос келиши турли критерийлар ёрдамида текширилади. Эмпирик (экспериментал) тақсимотнинг назарий тақсимотга мослиги тўғрисидаги гипотезани текширишдан мақсад, назарий қонунинг ушбу модели кузатилмаларга зид келмаслигига, ундан фойдаланиш жиддий хатоларга олиб келмаслигини ишонч хосил қилишдан иборат. Статистик критерийлардан нотўғри фойдаланиш нотўғри карор қабул қилиш ёки текширилаётган гипотезани асосиз рад этишга олиб келади.

Илмий-техник маҳсулотлар бозорида статистик анализ масалалари бўйича ҳамда берилганларни таҳлил килишга мўлжалланган маҳаллий амалий дастурий маҳсулотларни мавжуд эмаслиги ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги тажрибалар натижаларини таҳлил қилишда кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди. Биринчидан, мавжуд амалий дастурий маҳсулотларни деярли барчасидан фойдаланиш учун математик ҳамда математик статистика бўйича етарлича билимга эга бўлишни талаб килади. Иккинчидан, мазкур дастурний маҳсулотларни тадқиқотчи учун керакли бўлган ўзгартиришларни киритиш ва таҳрирлаш имконияти мавжуд эмас ҳамда ушбу дастурлар тўлиқ имкониятларидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида фойдаланиладиган бир қатор статистик анализ килувчи дастурлар мавжуд. мазкур дастурларни айримлари кенг қамровли, яъни статистик таҳлилнинг кенг спектрига мўлжалланган бўлса, айримлари маълум масалаларнигина ечишга мўлжалланган. Ушбу тизимлар статистик таҳлилнинг турли масалаларини ечиш инструментини беради. Лекин мазкур тизимлардан тўғри фойдаланиш фойдаланувчининг малакасига боғлиқ бўлади. Энг яхши кўлланиладиган тизимлар математик статистиканинг класик усулларининг бой арсеналини ўз ичига олади. Лекин ушбу арсеналининг аниқ кўлланилиш соҳаси турли дастурларда фарқланади. Статистик усулларни амалиётда вужудга келадиган масалаларга кўллаш шартлари кўп холатларда бажарилмайди. Масалан, ўлчов хатолигини нормал қонунга бўйсуниши тўғрисидаги тахминни бажарилмаслиги; кузатилмалар сони чекли эканлиги асимптотик натижаларни кўллаш имкониятини чеклаши; кузатилмалар шакли (гурухланган, цензурланган, интервал) класик статистик баҳолаш ва гипотезаларни текшириш усулларини кўллаш имкониятини бермаслиги; математиканинг аналитик усуллари ёрдамида мураккаб гипотезаларни текшириш учун критерий таклиф қила олмаслик ва х.к. Шундай килиб, амалиётда амалий статистиканинг математик аппарати ечим бера олмайдиган кўпгина масалалар ечимсиз қолмокда.

Сонли усуллар ва статистик моделлаштириш усуллари математик статистикани ривожланишини “статистик дастур мажмуи-бу тадқиқотчининг куроли” кўринишида тарғиб қилади. Лекин фойдаланиладиган статистик тизимлар тадқиқот қонуниятини тадқиқ қилиш

учун восита ҳисобланмайди. Шунинг учун аналитик усуллар ёрдамида тадқиқот қонуниятини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сонли усуллар ёрдамида яхши натижаларга эришиш мумкин. Аммо бу сонли усуллар орқали тадқиқот қонуниятини аниқлаш деярли барча дастурий тизимларга киритилмаган. Бундан ташқари кўпгина дастурий тизимлардан фойдаланиш учун математик ва математик статистика бўйича старли тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун ижтимоий-иктисодий соҳаларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар учун қулай бўлган, бир неча статистик усуллардан энг оптимальини танлаш имкониятини яратадиган, аниқ ечим мавжуд бўлмаган ҳолларда юкори аниклиқдаги тақрибий ечимни таклиф этадиган тизим яратиш мухим ҳисобланади. Дастурий таъминотни яратишда хозирги кунда энг кучли статистик дастурлаш аппарат хисобланган R дан кенг фойдаланилади. R нинг мавжуд библиотекаси юқоридаги вазифалари доирасида таҳрирланади ва кенгайтирилади. R нинг энг кучли томони бу турли пакетлар ёрдамида хоҳлаганча кенгайтириш мумкинлигидир. Яъни унга бемалол итерацион усулларни киритиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Лемешко Б.Ю., Лемешко С.Б., Постовалов С.Н., Чимитова Е.В. Статистический анализ данных, моделирование и исследование вероятностных закономерностей. Компьютерный подход: Монография. Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2011. 888 с.
2. Орлов А.И. Прикладная статистика. Учебник. Изд-во «Экзамен», 2004. - 656 с.
3. Орлов А.И. Метод статистических испытаний в прикладной статистике. Заводская лаборатория. Диагностика материалов. 2019. Т.85, № 5. С.67-79.

Хулоса ва таклифлар. Таклиф қилинадиган технология ва моделлаштириш асосида энг тўғри ва оптималь статистик критерийни танлаш, мазкур статистик критерийдан фодаланилганда 1-ва 2-тур хатоликларни минималлизигини таъминланиши, статистик критерийлар рақобатдош гипотезаларни фарқлаши, ҳисоблаш усуллари ва статистик моделлаштиришдан фойдаланиш, коммьютер технологиялари инструмент сифатида қараш, математик статистика қонуниятларини ўрганишга математик статистиканинг аниқ назарий натижаларини кўллаш шартларини аниқлаштириш, симуляция асосида нафақат асимптотик хулосалар чиқариш, балки танланма ҳажми ошиши билан қонуниятни ўзгаришларни кузатиш вазифалари ҳал этилади. Натижада ижтимоий-иктисодий соҳалардаги тадқиқот натижалари асосида тўғри хулоса чиқаришаг эришилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, статистик ахборотларни тез олиш, қулай шаклда йигиши, кайд этиш, саклаш, кайта ишлаш жуда кўп вақт талаб киладиган вазифа бўлиб, бу ерда юкори технологиялар зарурдир.